

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ОЧИҚ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, ЎТКАЗИШ ВА
ТАҲЛИЛ ЭТИШ
(Услубий қўлланма)**

Самарқанд – 2010

Лойиҳа муаллифи:

Холмухамедов М.М. – Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди

Тузувчилар:

- Болиев М.Н. – Ўқув адабиётлари ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш хизмати бўлими бошлиғи
- Ахроров А.А. . – Самарқанд маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг услубий ишлар бўйича директор ўринбосари
- Шарипова Д.Ш. – Самарқанд олимпия заҳиралари коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
- Баракаева М.Б. – Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари
- Ашурова О.А. – Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежининг услубий ишлар бўйича директор ўринбосари

Ўқув ва услубий ишлар
бўйича директор ўринбосарлари
услубий кенгашида муҳокама
қилинди ва нашрга тавсия этилди.

К И Р И Ш

Республикамизнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илғор тажрибаларга таянган ҳолда, узлуксиз таълим тизимини барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнини таъминловчи омил ҳамда илмий – услубий технология сифатида амалга оширишдир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимдан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлишлари керак.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий ва педагогик маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, педагог ва муҳандис-педагогларни янги педагогик технологиялар билан қурооллантириш бўлиб қолмоқда.

Ушбу услубий қўлланманинг асосий мақсади таълим муассасаларида очик ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва таҳлил қилиш бўйича тушунча беришдир. Очик ўқув машғулотлари замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг интерактив усуллари пухта ишлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони, ёш педагоглар учун педагогик маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида очик ўқув машғулотларини
жорий этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлари талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасарруфидан қатъий назар барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида очик ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Очик ўқув машғулотлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг интерфаол усуллари қўлланилган ҳолда академик гуруҳларда жадвал бўйича олдиндан эълон қилинган мавзу асосида ўтказиладиган машғулотдир.

3. Очик ўқув машғулотида билимларнинг ушбу соҳасидаги тажрибали педагоглар, олимлар ва мутахассислар таклиф этилади. Ёш педагогларнинг очик ўқув машғулотларига қатнашиши тавсия этилади.

4. Очик ўқув машғулотлари замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, ўқитишнинг интерактив усуллари пухта ишлаш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун тажриба майдони, ёш педагоглар учун педагогик маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

5. Очик ўқув машғулотларини таълим муассасасининг тажрибали ўқитувчилари ҳар 2 йилда бир марта ўтказишлари шарт.

6. Очик ўқув машғулотларининг асосий мақсади:

- а) ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш;
- б) ёш педагогларни илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усуллари қўллаган ҳолда дарс ўтишга ўргатиш;
- в) Давлат таълим стандартлари талаблари (Давлат талаблари) асосида касбий ва педагогик маҳоратини доимий равишда ўстириш;
- г) ўқитувчиларнинг касбий билимлари, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб боришдан иборатдир.

II. Очик ўқув машғулотларини режалаштириш

7. Очик ўқув машғулотлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув режаларида кўзда тутилган фаенлардан, шу жумладан умумкасбий ва мутахассислик фанларида ўтказилади.

8. Очик ўқув машғулотлари режаси тегишли фанлар бўлим(кафедра)ларида ўқитувчилар иштирокида тузиб чиқилади ва муҳокама қилиниб маъқуллангач, таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича директор томонидан тасдиқланади.

9. Очик ўқув машғулотлари одатда икки академик соатга мўлжалланган.

10. Очик ўқув машғулотлари мавзуи тақвим мавзу режага мувофиқ, ўқитувчи томонидан ихтиёрий танланади.

III. Очик ўқув машғулотларига қўйиладиган талаблар

11. Очик ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши, интеллектуал ривожланиши, баркамол инсон бўлиши ҳамда жисмонан ва рухий барқарорланиши учун омил бўлиши керак.

12. Очик ўқув машғулотлари ўқувчиларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиши, мавзунини ўзлаштириши, ижодий изланишга йўналтирилиши зарур.

13. Машғулот сценарийсида дарс(амалий машғулот, лаборатория иши ва ҳ.к.)нинг илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, замонавий илм-фан ривожининг ўрни, шунингдек, фанлар ўртасидаги алоқани узвийлиги, муаммоли вазиятларнинг мавжудлиги ўқувчиларнинг пухта билим олишларини таъминлашлари лозим эканлигини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

14. Очик ўқув машғулотларида илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усуллари қўлланилиши лозим.

IV. Очик ўқув машғулотларини тайёрлаш

15. Ўқитувчи очик ўқув машғулотига тайёрланиш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак:

а) машғулот вақтини оптимал режалаштириш;

б) фойдаланиш учун танлаб олинган манбаларни чуқур ўрганиш;

в) академик гуруҳдаги ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олиш(мавзунини тушунтириш учун аввал ўзлаштирган билимларнинг кўникма даражасини аниқлаш);

г) машғулотнинг турига қараб, унинг услуби ва воситаларини тўғри танлаш;

д) Давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчиларнинг чуқур билим олишини таъминлаш.

16. Очик ўқув машғулотини мавзуини танлашда ўқитувчининг педагогик ва касбий маҳорати, дарс ўтиш методикаси, билими ва дарс ўтиш воситалари аниқ акс эттирилиши керак.

17. Очик ўқув машғулотига тайёрланиш даврида ўқитувчи илмий-услубий изланиши, кўргазмали ва дидактик материаллардан, ўқитишнинг техник воситаларидан, ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши керак. Шунингдек, кўргазмали ва намойиш этиладиган қуроллардан фойдаланиш кетма-кетлиги аввалдан режалаштирилиши зарур.

18. Сценарийда белгиланган вақт давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти(нима билан машғул бўлиши) аниқ белгиланиши лозим.

19. Бўлим(кафедра) аъзолари очик ўқув машғулотига тайёргарлик жараёнида ўқитувчига ҳар тарафлама илмий-услубий, техникавий, ашёвий ва таҳлилий ёрдам беришлари керак.

V. Очик ўқув машғулотининг услубий таъминоти

20. Очик ўқув машғулотининг услубий мажмуаси қуйидагилардан иборат:

- а) фаннинг тақвим мавзу режаси;
 - б) маъруза матни(таянч конспект) ёки машғулоти(лаборатория иши, амалиёт, мустақил иш, курс лойиҳаси ва ҳ.к.)нинг режаси;
 - в) очик ўқув машғулотининг сценарийси;
 - г) сценарийда кўрсатилган дидактик, кўргазмали материаллар, ахборот коммуникация ва техникавий воситалар;
 - д) назорат иши(дарсни мустақкамлаш) учун саволлар тўплами;
 - е) уй вазифаси учун саволлар ёки масалалар тўплами.
- Услубий мажмуанинг таркиби машғулоти(дарс) тури билан боғлиқ тарзда танланади.

21. Очик ўқув машғулотининг мақсади қуйидагича таърифланиши мумкин:

- а) амалий машғулотларда компьютер техникасидан фойдаланиш;
- б) таълим-тарбия жараёнида муаммоли ўқитишнинг ўрни;
- в) фанлараро боғлиқликнинг узвийлиги;
- г) ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- д) ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш;
- е) ўқувчиларнинг машғулотидаги мавжуд дидактик материаллар, услубий қўлланмалар ва жиҳозлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

VI. Очик ўқув машғулотлари ўтказилишини эълон қилиш

22. Очик ўқув машғулоти ўтказилиши тўғрисида академик лицей(касб-ҳунар коллежи)да бир ҳафта олдин иштирокчиларга эълон маълум қилинади. Эълонда очик ўқув машғулотининг мавзуи, ўқитувчининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, унвони, тоифаси, шунингдек, ўтказиладиган жойи, куни, вақти ҳамда академик гуруҳ рақами кўрсатилади.

23. Очик ўқув машғулотида яқин атрофдаги таълим муассасаларининг ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари, академик лицей(касб-ҳунар коллежи)га бириктирилган олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчилари таклиф этилиши мумкин.

VII. Очик ўқув машғулотлари натижаларини муҳокама этиш

24. Очик ўқув машғулотларининг мазмун моҳияти ва илмий-услубий савияси юзасидан атрофлича муҳокама дарсдан бўш пайтда тегишли фан бўлими(кафедраси)да ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

25. Очик ўқув машғулоти тўғрисидаги ташқи фикр-мулоҳаза ёзма равишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбариятига тақдим этилади.

26. Очiq ўқув машғулоти натижаларини баҳолашда таълим муассасасига бириктирилган олий таълим муассасаси, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари устивор ҳисобланади.

27. Муҳокамада сўзга чиқувчилар Очiq ўқув машғулотининг ютуқ ва камчиликларини тўлиқ очиб беришлари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беришлари керак.

28. Муҳокама ошкора, холисона ва дўстона вазиятда ташкил этилиши лозим.

29. Юқори савияда ўтказилган очiq ўқув машғулотлари материаллари ўқитувчилар орасида оммалаштириш учун тавсия этилиши керак.

VIII. Очiq ўқув машғулотлари муаллифларини рағбатлантириш

30. Аадемик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқитувчи, муҳандис-педагоглари ҳамда профессор-ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришда, Давлат мукофотларига тавсия этишда улар томонидан юқори савияда ташкил этилган очiq ўқув машғулотлари натижалари инобатга олинади.

31. Очiq ўқув машғулотлари натижалари ўқитувчиларнинг йиллик рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш, аттестациядан ўтказиш жараёни, малака тоифаларини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Ўқув машғулотларини таҳлил этиш бўйича педагогларга услубий тавсиялар

Бугунги кунда ёш авлодни замон руҳи ва талаби ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган даражада ўқитиш ва тарбиялаш “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий талаби ҳисобланади. Белгиланган ушбу улуғвор вазифалар таълим ва тарбия тизимидаги барча бўғинларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида изчил амалга оширилмоқда.

Таълим тизимидаги бошқа бўғинларда бўлгани каби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг асосий шакли назарий ва амалий машғулотлардир. Ўқув машғулотларидан ташқари ўтказиладиган барча таълимий-тарбиявий тадбирлар ўқувчиларнинг ўқув машғулотлари жараёнида олган билимларини тўлдиришга хизмат қилади. Шу боис, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида назарий ва амалий машғулотларнинг сифат-самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллай билиш ниҳоятда муҳимдир.

Назарий ва амалий ўқув машғулотларини юксак даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқитувчи ва муҳандис-педагогнинг ўз мутахассислигини чуқур билиши кифоя эмас. Бунинг учун ўқитувчи-муҳандисдан юқори даражадаги педагогик маҳорат ҳам талаб этилади. Ўқитувчи-педагог назарий ва амалий машғулотлар ўтиш, ўзаро дарсларга кириш, касбдошларининг дарс машғулотларини кузатиши ҳамда уларни таҳлил қилиш жараёнида педагогик маҳоратга эга бўлиб боради. Шунинг учун ўқув машғулотлари таҳлили масалалари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўқитувчи-мутахассис ўқув машғулоти таҳлилига киришдан олдин назарий ва амалий машғулотларнинг тузилиши, турлари, унинг таҳлилига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсад-вазифаларини билиши керак.

Ўқув машғулоти – таълим жараёнининг энг муҳим бўғини бўлиб, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади. Таълим жараёнида унинг мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Ҳар бир фанни (у умумтаълим ёки махсус фан бўлишидан қатъий назар) ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, ўқув машғулотининг ҳамма фанлар учун умумий бўлган томонлари ҳам мавжуд. Бу назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Ўқув машғулотининг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг билим даражасига ва ўқитувчи-мутахассиснинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Шунга қарамасдан дидактика(таълим назарияси) назарий ва амалий машғулотларнинг тузилишида қуйидаги асосий босқичлар мавжудлигини кўрсатади.

1. Ўқув машғулоти мавзусини таърифлаш.
2. Ўқув машғулоти мақсадини тушунтириш.
3. Ўтган ўқув машғулотида уйга берилган вазифаларни текшириш.
4. Янги мавзу материални баён этиш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш.
5. Ўтилган ўқув материални такрорлаш ва уни машқ ёки Амалий ишлар билан мустаҳкамлаш.
6. Ўрганилган мавзунини давра суҳбати тарзида такрорлаш.
7. Ўқувчилар билиминини текшириш ва баҳолаш(ўқув машғулоти давомида такрорлаш ёки уй вазифаларинини текшириш пайтида ҳам амалга ошириш мумкин).
8. Ўқув мағулотинини якунлаш.
9. Уйга вазифани бериш ва уни тушунтириш.

Ўқув машғулотида бу босқичлари ҳар бир назарий ёки амалий машғулотида доимо шу тартибда такрорланмайди. Чунки ижодий изланувчан педагог буларни ўз тажрибаси билан тўлдириши, бойитиши ва ўқув машғулотида мақсади ҳамда вазифаларига кўра ўзгартириши мумкин.

Ўқув машғулоти турлари

1. Аралаш(комбинациялаш) ўқув машғулоти(.
2. Янги билимларни ўзлаштириш.
3. Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.
4. Умумлаштириш ва тизимлаштириш.
5. Техник воситалар асосида ўргатиш.
6. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларинини текшириш.
7. Янги технологияларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш.

Тавсия этилаётган ўқув машғулоти орасида аралаш ўқув машғулоти энг кўп қўлланилади. Аралаш машғулотида бир неча дидактик мақсад қўйилади. Бундай ўқув машғулотида тузилиши ташкилий қисм, уй вазифаларинини текшириш ва ўзлаштирилган билимларни аниқлаш, Янги мавзунини баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва уйга вазифани ўз ичига олади.

Ўқув машғулоти таҳлили самарали бўлиши учун ўқитувчилар ва муҳандис-педагогларнинг ўзлари дидактиканинг асосий тамойилларидан, юқорида кўрсатилган ўқув машғулоти турлари ва унинг тузилишидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

Ўқув машғулоти жараёнинини таҳлил қилишда кўпинча қуйидаги камчиликлар кузатилади. системасизлик, ўқув машғулотида тасодифан иштирок этиш, аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, таҳлил этувчининг машғулотида чуқур таҳлил қилишга услубий тайёр эмаслиги, аниқ кузатиш дастурининг йўқлиги, ўқув машғулотида асосий томонларинини ажратиш кўрсата олмаслиги, хулосалар чиқара олмаслиги, касбдошига малакали тавсиялар ва методик ёрдам бера олмаслик.

Айниқса, ҳар бир ўқув машғулотида қатнашишдан олдин аниқ мақсадни белгилаш зарур. Қўйилган мақсад ўқув машғулотида қатнашиш ва уни таҳлил қилишни янада самаралироқ, хулосаларни янада аниқроқ қилади.

Ўқув машғулотларига қатнашиш мақсадларига мисоллар келтирамиз:

1. Ўқувчиларга қўйилган ягона талабларнинг бажарилишини таҳлил этиш.
2. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш, кўргазмали ва тарқатма дидактик материалларнинг самарадорлиги.
3. Ўқувчиларда Амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.
4. Назарий ва амалий машғулотларда педагог ва ўқувчи ҳамкорлиги.
5. Ўқув машғулотларга тайёргарлик, уни олиб бориш ва ташкил этишнинг умумий услуби билан танишиш.
6. Ўқув дастурини бажариш сифатини таҳлил қилиш.

Ўқув машғулотини малакали таҳлил этиш ёш мутахассис-ўқитувчилар учун осон иш эмас. Шунинг эътиборига олиб, ўқув машғулотларда рўй берадиган айрим хатоларни кўрсатиш орқали ёрдам бермоқчимиз.

Ўқув машғулотларида учрайдиган айрим хатолар

1. Ўқув машғулотларида ўқитувчи ёки муҳандис-педагог гуруҳнинг юқори фаоллигига эришади, бироқ шу билан бирга айрим ўқувчиларни кўз остидан қочиради. Гуруҳнинг фаоллиги панасида ўқувчиларнинг бир қисми ўқув машғулоти жараёнида иштирок этмайди.
2. Муаммоли ўқитиш услубларидан қандай бўлмасин фойдаланишга ҳаракат қилиб, педагог айрим ҳолларда ўз саволларига ўқувчилардан фикрлаш фаолияти натижаси бўла олмайдиган, нари борса тахминий жавоблар олади.
3. Ўқув машғулотида ўқувчилар бажарган ишини текшириш таъминланмайди.
4. Ўқув машғулоти жараёнида ўқитишнинг техник воситаларидан, электрон дарсликлардан, электрон материаллардан самарасиз фойдаланиш.
5. Ўқув машғулотида иш услубларини нотўғри танлаш.
6. Ўқувчи шахсини ва гуруҳни ёмон билиш ва оқибатда турли гуруҳларда бир хил дарс ўтиш.
7. Ҳар доим бир хил тузилиш билан машғулот олиб бориш, кўп баҳо тўплашга интилиш, оқибатда сўровни бўрттириб юбориш.
8. Ўқув материали мазмунининг ортиқча тўлдирилиши, ортиқча икир-чикирлар билан мазмуннинг йўқолиши, мавзудан чекинишга асосиз интилиш.
9. Билимларни қўллашга етарли эътибор бермаслик. Назарий билимларни амалиётда фойдаланишнинг узоқлиги ва ҳоказо.

Ўқув машғулоти таҳлилининг турлари

Ўқув машғулоти таҳлилини шартли равишда қуйидаги асосий 5 турга бўлиш мумкин:

Илмий таҳлилда – ҳар бир билим илмий асосланган, тажрибадан ўтган ва ўқувчиларга яхши маълум билимлардан келиб чиқиб тушунтирилишига аҳамият берилади.

Методик таҳлилда – ўқув материални баён этиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материал мазмунига мослиги ёки мос эмаслиги аниқланади.

Дидактик таҳлилда – педагогнинг ўз ўқув машғулоти таълим тамойилларига амал қилган ҳолда олиб борилиши ўрганилади.

Умумпедагогик таҳлилда – ўқув машғулотининг ҳамма жиҳатларининг қисқа ва ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Умумпсихологик таҳлилда – ўқув машғулотнинг тузилишига, мазмунига психологик жиҳатдан баҳо берилади ва ўқувчиларнинг қуйидаги фаолиятларини таҳлил қила олиши ўрганилади:

- диққатни ташкил этиш;
- идрокни ташкил этиш;
- хотирани фаоллаштириш ва ривожлантириш;
- фикрлаш фаолиятини кучайтириш;
- мулоҳазаларнинг мантиқийлигига эришиш;
- ўқувчига қўйилган талабларга эриштириш ва бошқалар...

Кузатилган ўқув машғулотини расмийлаштириш

(Ўқув машғулотига тегишли ҳужжатларни тўлдириш)

Таълим тизимида кўп йил фаолият кўрсатган тажрибали раҳбарларимиз ўқув машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш учун махсус дафтар ёки журнал тутишни тавсия этишади.

Алоҳида дафтар ёки журнал тутиш таҳлиллар муддати, миқдори ва кетма-кетлигини таъминлайди. Аввалги таҳлиллар билан қиёслаш ва йўл қўйилган хатоларнинг тузатилганлигини кўриш имконини беради.

Таҳлил дафтарларидаги кузатишлар ўқув йили якунида тўла ўрганилиб, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар кафедра йиғилишида ёки таълим муассасаси педагогик кенгашларида муҳокама қилинади. Бу эса Янги ўқув йилида ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Таҳлил дафтарида кузатилган ўқув машғулотини қуйидаги педагогик талаблар асосида ёзиб бориш тавсия қилинади.

1. Ўқув машғулоти, педагог ва гуруҳ ҳақида умумий маълумотлар: сана; педагогнинг фамилияси, исми-шарифи; маълумоти; педагогик фаолияти; фан номи; ўқув машғулоти мавзуси; мақсади; ўқув хонасининг санитария ҳолати(тайёргарлиги).
2. Ўқитувчининг ўқув машғулотига тайёргарлиги: ишчи дастур; тақвим мавзу режа; ўқув машғулоти режаси; маъруза матни; илмий, ўқув ва

методик адабиётлар; кўргазмали ўқув қуроллар; тарқатма материаллар; техник воситала(компьютер, кодоскоп, электрон дарслик, электрон материаллар)нинг мавжудлиги;

3. Ўқув машғулоти таҳлилининг мақсадлари:

4. Ўқув машғулотининг боришига илмий, методик ва педагогик тавсиф:

- ўқув машғулотининг тузилиши ва қисмларини режалаштириш; вақтдан, ёзув тахтаси(доска)дан, ёрдамчи материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўқув анжомлари билан таъминланганлиги;

- ўқув машғулотининг мазмуни – ўрганилаётган мавзунинг вақт ва ҳажм жиҳатидан ўқув дастурларига мослиги; баён этилаётган материалнинг илмийлиги, тўлаллиги ва изчиллиги; машғулотнинг ҳаётий воқеалар билан боғланиши, материалнинг ўқувчилар ёшига мослиги, ғоявий-сиёсий қиймати, машғулотнинг тарбиявий аҳамияти; ўқитувчининг баён қилиш усули, мавзуни сўраш, баҳолаш, Янги мавзуни ўтган мавзуга боғлаш;

- ўқув машғулоти ўтиш усуллари: машғулот давомида ўтилган мавзуни сўрашда, Янги мавзуни баён этишда, мустаҳкамлашда, яқунлашда қўлланилган услуб ва шакллар ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқлиги; ўқув машғулоти давомида фойдаланилган кўргазмали ўқув қуроллар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалари(компьютер, электрон дарслик, электрон материаллар), ўқув машғулотида ўқувчининг мустақил ишлари;

- педагогнинг ўқув машғулотида муносабати: гуруҳ ўқувчиларини билиши, ўқувчиларга муомаласи, гуруҳни бошқара олиши, иш услуби, раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиёфаси, ўқувчилар орасида обрўси, гуруҳ раҳбари ва ота-оналар билан алоқаси.

5. Ўқув машғулотининг ижобий ва салбий томонлари: бунда ўқув машғулоти кузатувчи таҳлил давомида кўрган ютуқ ва камчиликларни ажратиб олади, тавсиялар ёзиб қўяди.

6. Хулоса: илмий, методик ва педагогик таклифлар:

- ўқув машғулотининг бажарилиши, машғулотда қўйилган мақсадга эришиш, ўқувчилар билимининг сифати, ўқув машғулоти Давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериши;

- ўқитувчининг илмий, методик ва педагогик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлиги ёки ўқитувчи илғор тажрибасининг оммалаштиришга лойиқлиги;

- ўқув машғулотининг самарадорлиги ва ўқитувчининг иш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган илмий, методик ва педагогик таклифлар.

Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини таҳлил қилишнинг хусусиятлари

Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари машғулотларида ўқувчилар касб кўникмаларини ҳосил қиладилар. Улар махсус фанлардан ўрганилган назарий билимларини лабораторияларда, ўқув ишлаб чиқариш цехларида, ишлаб чиқариш устахоналарида қўллайдилар. Ўқувчилар бу жараёнда ўз касбларининг дастлабки кўникмаларини амалиётда ўрганадилар. Шунга кўра, ишлаб чиқариш

амалиёти таълими машғулотларини таҳлил қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришни тавсия этамиз:

1. Ўқув ишлаб чиқариш таълими машғулотларини ташкил қилиш учун расмий ҳужжатларнинг мавжудлиги:

- амалиёт машғулотлари режаси: бу ерда амалий машғулотнинг бутун(4 ёки 6 соатлик) даври давомидаги технологик жараён аниқ кўрсатилиши лозим;
- амалий машғулотда ўқувчиларга бериладиган дастлабки назарий кўрсатма, ишнинг технологик жараёни кўрсатилган қўлланма(технологик харита), иш ўринларининг қатъий тақсимооти, белгиланган вақт меъёрлари, техника ва меҳнат хавфсизлигига доир кўрсатма ва бошқа услубий кўрсатмалар.

ижобий ва салбий томонлари: бунда ўқув машғулотини кузатувчи таҳлил давомида кўрган ютуқ ва камчиликларни ажратиб олади, тавсиялар ёзиб қўяди.

2. Амалиётдаги иш ўринларининг белгиланган мавзу дастурига мос келиши: бажарилиши мумкин бўлган барча технологик жараёнлар ҳисобга олинганлиги, агар дастур талабларини тўлиқ бажариш учун шароит бўлмаса, унинг ўрни қандай тўлдирилганлиги аниқланади.

3. Ўқувчиларнинг амалиёт машғулотларига тайёргарлиги:

- ягона иш кийими ва меҳнат хавфсизлиги талабларига тўғри келиши ёки келмаслиги;

- ўқувчиларнинг амалий машғулотларга муносабати(интизом сақлаб машғулот бошланишини кутиши, касбига қизиқиши ва бошқалар);

4. Машғулот бошланмасдан ўқувчиларга индивидуал кўрсатмалар берилиши.

5. Ўқувчиларнинг машғулотни мустақил ташкил эта олиши.

6. Иш даврида технологик жараёнларга қатъий риоя қилиши.

7. Бажарилаётган иш сифатининг текшириб борилиши.

8. Ишни тўла бажара олиши.

9. Машғулотнинг замонавий технологик жараёнларга қанчалик яқинлиги.

10. Муҳандис-педагогнинг ҳар бир ўқувчи бажарган ишнинг – ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши(ишларни қабул қилиб олиш, ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш, иш ўринларининг озодалигини сақлашга эътибор қаратиш, уйга вазифа ва топшириқлар бериш, бажарилган ишни бажариш ва бошқалар).

Ҳозир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-амалий машғулотлар жуфтлик дарслар асосида ташкил этилиб, бу машғулотлар 80-90 дақиқа давом этади. Унинг қулай томонлари:

- бошланган мавзуларни тўлиқ ўтиш имкониятини беради;

- сўровлар, мустақил ишлар, назорат ишларини ўз вақтида ўтилган материални тўла қопланган ҳолда ташкил қилиш мумкин бўлади.

Аммо, шу билан бирга белгиланган жуфтлик машғулотлар вақтидан самарали фойдаланишга дастурни тўлиқ ўзлаштиришга имкон беради. Янги ташкил этилган академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги жуфтлик машғулотларни кузатишда вақтдан оқилона фойдаланиш тамойилларига

эътибор берилмаётганлиги ҳолларини кузатдик. Бу, айниқса, Янги мавзуни батафсил ёздиришга уриниб педагог дарс вақтининг 80-70 фоизини йўқотмоқда. Бунда ташкилий ишлар учун сарфланган 5 дақиқани, уйга берилган топшириқларни текширишга сарфланган 10 дақиқани, уйга вазифаларни бериш ва тушунтиришга сарфланган 10 дақиқани эътиборга олсак, бутун машғулоти вақти ишлатиб бўлинган ҳисобланади. Лекин бундай босқич билан машғулоти ташкил қилишда ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш, амалий кўникмалар ҳосил қилдириш четда қолади. Ўқувчи берилган машғулоти баёнини ўқиш билан чегараланиб, мустақил ишлаш, адабиёт ва қўлланмалардан фойдаланиш каби энг муҳим хусусиятларни ҳосил қилмайди. Бунинг олдини олиш учун машғулоти баёнида мавзунинг энг муҳим томонлари (таянч консептлари шаклида) ёздирилиб, унга маъруза матнлари, адабиётлар кўрсатилиб борилиши лозим.

Дарс кузатувчи педагог учун тавсиялар

Дарс - ўқув жараёнининг энг муҳим бўғини бўлиб, таълим – тарбия масалаларини ҳал қилишнинг амалий ва қулай шакли ҳисобланади. Таълим жараёнида унинг мақсади, мазмуни, усуллари, тамойиллари ва ташкилий шакллари биргаликда намоён бўлади.

Ҳар бир фанни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга, аммо, дарснинг ҳамма фанлар учун умумий бўлган педагогик томонлари ҳам мавжуд. Бу дарсларнинг тузилишида алоҳида кўринади. Дарснинг тузилиши турлича бўлиши мумкин ва уни доимо фақат бир анъанавий андоза билан ўтказиш мутлақо шарт эмас. Унинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг билим даражасига ва ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Дарснинг турлари: назарий дарс (мавзуни тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, уй вазифа бериш).

амалий дарс(назарий билимларни амалда қўллаш).

лаборатория дарси (тажрибалар ўтказиш).

Дарс шакллари: маъруза, ҳикоя, суҳбат, машқ бажариш, билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ҳосил қилиш, тажрибани амалда бажариш, техник воситаларни ишлатиш, берилган топшириқни бажариш, техникани бошқариш.

Дарс таҳил этишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

Ўқув хонасининг кўриниши; ўқитувчининг ташқи кўриниши; ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги; дарсни ташкил этиш услуби; машғулотининг кўргазмалиги; педагогнинг касб маҳорати ва услубий тайёргарлиги; педагогнинг илмий салоҳияти ва фундаментал билим даражаси; вақт тақсимооти ва фойдаланиш даражаси; дарсда ноанъанавий услубларни қўллаш; дарсда тест, тарқатма ва дидактик материаллардан фойдаланиш; дарсда бошқа фанлар билан боғланиш; ёзув тахтасидан фойдаланиш; уйга вазифа назорати; ўқувчилар билим даражасини текшириш ва баҳолаш; ўқув

дастури, тақвим мавзу режа, дарс режаларининг мавжудлигига; техник ўқитиш воситаларидан фойдаланиш; илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ва ўз фаолиятида тадбиқ этиш; дарсликларнинг сақланиш ҳолати; дарсда маънавий тарбия; эстетик ва экологик тарбия; ўқитувчининг дарс давомида ўқувчилар билан оммавий ва яқка тартибда ишлаши; дарсда қўлланилган иш турларининг мавзу талабига мослиги, ўқувчиларда муаммоли таълим бўйича малака ва кўникма ҳосил қилиш; дарсда назарий ва амалий ишларнинг уйғунлиги; педагог томонидан ўқув дастури материалларининг тўлиқ берилиши; ўқувчилар мустақил ишларининг ташкил қилиниши; Давлат таълим стандартлари асосида дарсни ўтиш; дарсга доир хулосаларнинг чиқарилиши; дарс жараёнида яқуний натижалар асосида кўзланган мақсадга эришиш.